

СОҲА ХОДИМЛАРИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

27 июнь – "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни" касб байрами муносабати билан бугун шаҳар ҳокими Адҳамжон Зиявитдинов шахримиздаги фахрий журналистлар ҳамда соҳада самарали фаолият юритиб келаётган ОАВ вакилларини касб байрами билан самимий муборакбод этиб уларга фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғаларини топширди.

Ижод ва тафаккурнинг таъсирчан муҳитида шаклланиб, ҳалқимизнинг манфаати, келажагини кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнини изчил ёритишда айнан мана шу касб эгаларидаги жонкуярлик ва фидойиликни алоҳида эътироф этиш лозим, дея таъкидлади ҳоким ўз табрик сўзида.

Байрам тадбири бир пиёла чой устида давом этди.

2023-06-27 14:25:26